
Юқори Булоқбошилиқлар мурожаати ўрганилди

Юқори Булоқбошилиқлар мурожаати ўрганилди

Бугун Фарғона Kun.uz телеграм канали орқали «Марҳумларни сўнги йўлга чиройли ва текис йўллар орқали кузатайлик» - Риштондан мурожаат сарлавҳа остидаги мурожаат эълон қилинди. Унда шундай ёзилган эди.

«Ассалому алайкум, Kun.uz ходимлари. Мен Акмалжон Олимжонов, Риштон тумани Юқори Булоқбоши қишлоғидан мурожаат йўллаяпман.

Бизнинг қишлоқда Булоқбоши-Хўжайбуво йўлларини туташтирувчи йўл мавжуд бўлиб, у қабристонга олиб боради. Неча йилдан буён мазкур йўлни таъмирлаш мақсадида кўп жойларга мурожаат қиламиз. Барчаси қуруқ ваъда ва қоғозда қолиб кетяпти. Йўлни таъмирлашга амалий ёрдам берилишини сўраймиз. Марҳумларни сўнги йўлга чиройли ва текис йўллар орқали кузатайлик. Сиздан амалий ёрдам кутиб қоламиз».

Ушбу мурожаат юзасидан Риштон тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳамда “Риштон тумани йўлдан фойдаланиш” унитар корхонаси ходимлари Юқори Булоқбоши маҳалласига бориб, вазиятни ўрганишди. Ўрганиш жараёнида Юқори Булоқбоши маҳалла фуқаролар йиғини раиси, мурожаатчи ва маҳалла аҳолиси иштирок этишди. Булоқбоши-Хўжайбуво йўлларини туташтирувчи ички хўжалик йўли бўлиб 2,8 кмни ташкил этади. Шундан 2,7 км қисми таъмирга мухтож. 2014 ва 2017 йилларда Юқори Булоқбоши маҳалласининг 0,5 км масофадаги ички хўжалик йўллари асфальтланган.

Мутахассислар томонидан ички хўжалик йўллари йиллик смета асосида режали тарзда амалга оширилиши, Юқори Булоқбоши маҳалласи жорий йилги дастурга киритилса, мазкур йўл ҳам асфальтланиши айтиб ўтилди.

“Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунининг 13-моддасида Автомобиль йўлларини молиялаштиришнинг аниқ мезони кўрсатилган. Унга кўра,

Хўжалиқлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

«Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжалиқлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича» низомга асосан Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари буюртмачи томонидан, молия идораларида рўйхатга олинган харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида, ҳар йили шакллантирилади, деб ёзиб қўйилган.

2021-02-26 21:20:50